
“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бош директор ўринбосари
Б.Т. Салойдинов



«5» сентябрь 2024 й.

“ЎзРВБ ходимларининг меҳнат шартномасида белгиланган коррупцияга қарши курашиш юзасидан мажбуриятлар” мавзусида давра суҳбати баённомаси

Тошкент ш. **2024 йил 5 сентябрь**

Қатнашдилар: “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ ходимлари.

Маърузачи: Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим О.Э.Умурзаков

О.Э.Умурзаков: - ЎзРВБ ходимларининг меҳнат шартномасида Ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

пора таклиф қилмаслик;

ваъда бермаслик;

пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;

пора олмаслик;

бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон-бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;

мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни олмаслик;

ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ЎзРВБнинг ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол Иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралашиш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш

ҳолатлари юзага келганда ЎзРВБнинг ички ҳужжатларига мувофиқ дарҳол қуйидаги алоқа каналлари орқали:

ЎзРВБнинг телефон рақамлари орқали (+998 55 501-33-02);

ЎзРВБнинг алоҳида телеграм боти (@UZRVB_BOT);

ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган виртуал мурожаат орқали (https://www.uzrvb.uz/uz/online-request);

ЎзРВБнинг электрон почтаси орқали (info@uzrvb.uz) хабар қилиши лозим.

Агар ходим ЎзРВБнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фактларни аниқласа, у ушбу маълумотни алоқа каналлари орқали тақдим этиши шарт.

Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ЎзРВБ ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Йиғилиш якунида маърузачи иштирокчилар саволларига батафсил жавоб берди.

Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим **О.Э.Умурзаков**